



ERKIN YURT



Феврал ойи охирида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Чехия пойтахти Прагага расмий сафари ва президент Милош Земан билан учрашиши ҳақидаги хабар халқаро инсон ҳақлари ташкилотлари томонидан танқид қилинмоқда.

Бундан олдин Прага шаҳар ҳокими Томаш Худачек Украина президенти Виктор Януковичнинг Прагага келишига эътироз билдирган, уни Киевда намойишчиларга нисбатан куч қўлланишини қоралаган эди.

«Янукович учоғининг демократия рамзи бўлган Вацлав Хавел номи билан аталувчи Прага аэропортига қўниши абсурддир», деб айтган Томаш Худачек.

Бироқ жаноб Худачек Андижонда намойишчиларни оттирган Ислом Каримовнинг Чехияга ташрифи ва айнан Хавел аэропортига келиб қўнишига муносабат билдирмаган.

Андижон воқеаларидан сўнг Ислом Каримов ҳукуматига Оврўпо Иттифоқи санкциялари жорий қилинган эди.

Брюсселдаги Халқаро инқироз гуруҳи вакили Эндрыо Штролайн «Прагадаги абсурд учрашув», деган мақоласида мавжуд вазиятга ўз муносабатини билдирган.

«Шу ойнинг охирида Прагага келадиган Ўзбекистоннинг авторитар раҳбари Ислом Каримов Вацлав Хавел аэропортига қўнади.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ПРАГАГА ТАШРИФИ АБСУРДДИР

Ҳа, ҳозирги пайтда турмаларида минглаб сиёсий маҳбусларни сақлаётган инсон даврнинг таниқли ва ҳурматли сиёсий маҳбусларидан бирининг номи билан аталган аэропортига келиб қўнади. Бу вазият шунчалик абсурд, тутуриқсиз».

«Охирги икки кунда мен Прагада учрашган журналистлар, фаоллар ва расмийлардан бирортаси нега Чехиянинг ҳозирги президенти Милош Земан дунёдаги энг репрессив мамлакатлардан бирининг раҳбарини Марказий Оврўподаги пойтахтга таклиф қилгани сабабини тushунтириб беролмади».

Земан Каримов 25 йилдан буён ҳокимиятда эканини билмаслиги шубҳали. Ўзбекистон ўзининг шафқатсиз қийноқлари билан машҳур. Қийноқлар полиция бўлимлари ва турмаларда мунтазам қўлланилади.

У турмаларда сиёсий сабаблар билан қамалган журналистлар, ҳуқуқ фаоллари, тинч муҳолиф сиёсатчилар ва

ҳукумат талабини қондирмаган минглаб оддий диндорлар бор.

Шунингдек, ҳар йили миллионлаб одамлар, жумладан 10 ёшлардаги болалар ҳам ҳафтада аянчли шароитларда пахта теришади. Уларга кам тўланади ёки умуман хизмат ҳақи берилмайди.

Ва 2005 йил майда Андижонда оммавий қатлиом қилганлар ҳам Каримовнинг хавфсизлик кучлари бўлиб, юзлаб намойишчиларни отиб ташлагандилар.

Албатта Земан ўзининг меҳмони ҳақидаги бу далилларни билади. Ва нима учун уни Прагада кутиб олмоқда?

Икки мамлакат ўртасида савдо алоқалари унчалик кенг эмас. Ва ҳеч ким мамлакатнинг халқаро майдондаги номини сотишга арзигулик янги қандай келишувлар турганлигини айттолмайди.

Каримовнинг Прагага келишида бир маъно йўқ», дейди Эндрыо Штролайн.



Хориждаги ўзбекистонлик инсон ҳуқуқлари фаоллари Каримовнинг Чехияга ташрифи муносабати билан Прагада норозилик намойиши ўтказишни режелаштирганлар.

Ўзбекистон Президентининг Чехияга ташрифи 21-23 феврал кунларига мўлжалланган.

«Шукронист»лар Россияда мардикор бўлиб камситилаётгани етмагандек, эндиликда ўрисиюртида уларнинг президенти ҳам камситилди. “Нима гап? Тинчликми?” , деяпсизми?

Тинчлик эмас. Сочи Олимпиадасига Ўзбекистондан таклиф этилган фахрли меҳмонлар рўйхатида респу-

“Ким томонидан?”, деяпсизми?
Олимпиада хўжайини Владимир Путин томонидан.

Бу Путиннинг Каримовга туширган иккинчи “тарсакиси”дир. Бундан бир неча йил муқаддам Ислон Каримов Москвага Владимир Путин билан учрашишга борганида Россия президенти бирсури журналистларнинг

ўчини олади. Путин Тошкентга келганда унга Оксаройдаги итини кўйиб юбориб, Россия президентини шарманда қилади”, дейишганди.

Лекин амалда ундай бўлмади. Москвадаги ит воқеасидан кейин Путин Тошкентга икки марта келди.

Бироқ орсиз, уятсиз, ғурусиз ва қўрқоқ Каримов Путиннинг олди-га ити тугул, оддий мушугини ҳам кўйиб юбора олмади.

Мана энди Сочида Путин ўзбекларнинг Каримовига: “Кўриб кўй, сен ўғри ва наркофурурш деб кидираётган одам мен учун сендан азизроқдир”, деди.

Каримовнинг ўрнида оддий эркак бўлганида: “Олимпияданга ҳам, стадионингга ҳам, стадионингнинг директорига ҳам” – деб Социга бормас эди, билмасдан бориб қолган бўлса, шартга ортга қайтарди.

Лекин «шукронист»ларнинг юртбошиси эркак эмас-да: Социга борди ва ҳали ҳам шу ерда юрибди. Унда на на орият бор, на номус бор!

Шукронистлар қандай бўлсалар, уларнинг президенти ҳам худди шундай!

Саид АСКАР



блика президенти Ислон Каримов мамлакат ҳукумати ва Ғарб давлатлари томонидан наркофурушликда гумонланиб кидирувга берилган Ғафур Раҳимовдан кейин иккинчи бўлиб жойлаштирилди. Ҳа, ҳа, жиноят оламининг вакилидан паст кўрилди.

қаршисида Каримовни Кремльнинг қора итига хидлатиб, Ўзбекистон президентининг ўтақасини ёрганди, ер билан бир қилганди.

Ўшанда кўпчилик ўзбекистонлик шукронистлар: “Ҳали кўрасизлар, мухтарам юртбошимиз Путиндан

Демократик” Ғарб эндиликда ўзининг асл мохияти бўлмиш “демократик” мунофиқлигини ошқора намойиш эта бошлади.

Ўзбекистон президенти Ислон Каримовни шу йил февраль ойида Прагада қабул қилишини маълум қилган Чехия ҳукумати апрель ойида Прагада бориши кутилаётган Украина президенти Виктор Януковични қабул қилмаслигини эълон қилди.

“Демократик” мунофиқликнинг Прагача кўриниши

Эмиш-ки, Янукович Киевдаги майдонга йиғилган намойишчиларга қарата куч ишлатиб, уларни резинкали тўқмоқлар билан калтаклаиб, исёнчиларга қарата резинкали ўк узишга буйруқ берганмиш.

Чехия ҳукуматининг фикрича, Януковичнинг бу ҳатти-ҳаракатлари “демократик кадриятларни шафқатсизларча топташ” эмиш.

Бироқ Украина президентининг ҳаракатлари борасида демократик кадриятлар ҳақида оғиз кўпиртираётган Чехия ҳукумати резина тўқмоқлар билан дўппослаш ва резина ўқлар узишга қараганда миллион марта дахшатли жино-



ятларни амалга оширган ва ошираётган Ислон Каримовни феврал ойи охирида Прагада қабул қилади.

Ваҳоланки, диктаторлик бўйича Янукович Каримовнинг олдида ип эша олмаслигини Чехия президенти Милош Земан жуда яхши билади.

Янукович украин халқига қарата Киевда бир-икки резина ўк отган бўлса, Каримов ўзбек халқига қарата Андижонда минглаб кўрғошин ўк отди.

Януковичнинг резина ўқларни еган украинлар ярадор бўлган бўлса, Каримовнинг кўрғошин ўқлари теккан ўзбеклар ҳалок бўлишиди.

Януковичнинг ОМОНидан қочган оломоннинг оғзидан атиги сўлақлар оққан бўлса, Каримовнинг СПЕЦНАЗидан қочган оломонинг оғзидан қонлар оқди.

Шундай бўлса ҳам, Чехия президенти Милош ЗЕМАН ваҳшийликни фақат Януковичда кўрди ва уни Прагада қабул қилишдан бош тортиб, асл ваҳший Ислон Каримовда эса фариштасифат бир сиёсатчини, “халқ сайлаган президент”ни кўрмоқда ва уни Прагада қабул қилади.

Бу “демократик” мунофиқлик эмасми?!

Саид АСКАР

Сочи олимпиадаси олдидан Россиядаги инсон ҳақларининг поймол этилиши, ҳаддан зиёд сарф-ҳаражат ва атроф-муҳитга етказилаётган зарари билан ҳозирданоқ спорт ўйинларига соя солмоқда.

22-қишки олимпиада Қора денгиз соҳилида бугун бошланади. 50 млрд евродан ошган сарф-ҳаражати билан тарихдаги энг қимматга тушган ушбу спорт тадбири 23 февралгача давом этади. Шанба кунидан бошлаб, деярли барча медиа фақат медаллар ва рекордлардан гапирди. Эҳтимол, яна допинг можаролари ҳам кўшилар бунга. Аммо инсон омили, айниқса, Россиядаги инсон ҳақларининг поймол этилиши, Сочи иншоотларида ишлаб ҳаққини ололмаган, ёки мажруҳ олган ё ҳатто ҳалок бўлган оддий инсонлар ҳақида бир оғиз сўз айтилармикан? Бу ёғи қоронғу.

HRW вакили Волфганг Бютнер (Wolfgang Büttner) 2009 йилдан бери Россияда олимпиадага тайёргарлик мавзусини ўрганиб келади.

Бютнер Сочи қурилишларида меҳнат қилган инсонларнинг қул қилиниши, баракларда ўта оғир шароитларда яшаши, аксарияти билан меҳнат келишуви имзоланмаганини айтиб келади. "Сочи шаҳридаги қурилишларда инсон ҳақларининг бузилиши ҳақида танқидий фикр билдирган шахслар ё ҳибсга олинади ёки кўрқитилади", дейди HRW вакили.

Жумладан, 2000 га яқин киши Олимпиада қурилишлари асносида ўз яшаш жойларидан мажбуран кўчирилган, уларнинг ҳаммасига ҳам бадал тўланмаган.

"Олимпиада сабабли инсон ҳақлари аҳволи яхшиланадими?"

Германия Федерал ҳукуматининг инсон ҳақлари бўйича янги масъули Кристоф Штрассер (Christoph

Strässer) эса "Сочи-2014" ташкилотчилари атроф-муҳитга улкан зарар етказиши, ҳавфсизликни етарлича таъминлай олмаслиги олдидан маълум бўлганидан, олимпиадага мезбонликни Сочига бериш қарори хато бўлганини иддао этди: "Қишки олимпиадани Сочига ўтказиш қарори чиққан 2007 йилнинг июлида Хитойдаги инсон ҳақлари аҳволи борасида

Қўмитасига қаратилиши кераклигини айтади: "Биз танқид қилган нарса шуки, Халқаро Олимпия Қўмитаси рус расмийларининг ҳеч қачон амалга ошмайдиган ваъдаларига ишондилар. Ваъда берди дегани, ҳали унга амал қилинди дегани эмас.

Яна бир танқидимиз шуки, Халқаро Олимпия Қўмитаси ўта кеч реакция кўрсатди.



катта тортишув кетаётганди. Халқаро Олимпия қўмитасидагилар спорт тадбирининг Хитойда ўтказилиши мамлакатда инсон ҳақлари аҳволининг яхшиланишига ҳисса қўшишига умид боғлаган эдилар.

Amnesty International инсон ҳақлари ташкилоти вакили Жанна Зауэртаг (Janna Sauerteig) бу умидлар рўёбга чиқмаганини айтади. Зауэртаг Россияда ҳам олимпиада ўтиши билан инсон ҳақлари аҳволининг яхшиланишини кутишга бирор асос йўқлигини айтган.

"Ваъдаларга ишонаверманг"

Инсон ҳақлари ҳимоячилари Сочи ўйинларини бойкот этиш тарафдори эмас. HRW вакили Волфганг Бютнер танқидлар Халқаро Олимпия

Сочи олимпиада майдончаси қурилишидаги инсон ҳақларининг поймол этилиши ҳақида 2009 йилдан бери айтиб келинади.

Қўмита эса бевосита ўйинлар бошланиши арафасида реакция билдирган бўлди. Акс ҳолда меҳнат муҳожирларига ҳатто бадал тўланмаган ҳам бўларди" дейди HRW вакили Волфганг Бютнер.

HRW вакили яна шундай деди: "Умид қиламизки, бундан кейинги олимпиада мезбонини сайлашда, инсон ҳақлари мавзусига яна-да кўпроқ аҳамият берилсин ва ушбу қоидага нафақат олимпиада, балки жаҳон футбол чемпионатларида ҳам амал қилинсин".

UZBEK.FM



7 февраль куни Россиянинг Сочи шаҳрида XXII қишки Олимпия ўйинларининг очилиш маросими ўтказилади. Очилишда Марказий Осиёнинг 5 президенти тўлиқ таркибда иштирок этади.

Сочига ҳаммадан аввал, очилишдан бир кун олдин Тожикистон президенти Имомали Раҳмон етиб келди ва Путин билан учрашди.

СОЧИ-2014. ҒАРБДАН ҲЕЧ КИМ КЕЛМАДИ, БЎШ ЖОЙЛАР КОММУНИСТЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИЛАДИ

Учрашувда Россиянинг Тожикистондаги ҳарбий базасининг мақоми муҳокама этилди. 7 февраль куни Сочига Нурсултон Назарбоев, Алмазбек Атамбаев, Гурбангули Бердимухамедов ва Ислон Каримов ҳам келиши кутилмоқда.

Шунингдек, Тожикистон ва Қирғизистон чегарасидаги вазият кескинлашгани муносабати билан икки президент ҳам учрашиши мумкин. Олимпиада очилишига 44 давлат раҳбари келиши кутилмоқда. Маълумки, бир қатор йирик давлатларнинг лидерлари Сочида келишни бойкот этган. Жумладан, АҚШ, Британия, Франция, Германия ва бошқалар.

Бундан ташқари, Ғарб ОАВ Сочи олимпиадасида бир қатор йирик криминал доиралар ҳам аралашгани ҳақида ёзиб келади.

UZBEK.FM

Жорий йилнинг январь охирида Ўзбекистон сиёсий ҳаётида муҳим воқеалар рўй бериб, улар республикадаги, айниқса, Тошкент шаҳридаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт устидан ўрнатилган назоратни янада кучайтирувчи тадбирларнинг бошланишига олиб келди. Шундай қилиб...

Кучишлатар муассасаларнинг шошилич ҳаракатлари

2014 йил 25 январь куни Ўзбекистон мудофаа вазири Қобул Бердиев мамлакат президентининг Кўксарой (Дўрмон) қароргоҳидаги эскирган ҳарбий техника ва курулларни янги ва замонавийсига алмаштириш ҳақида фармойиш берди. Мазкур фармойишни бажариш мақсадида 26-28 январь кунлари президентнинг қароргоҳидан эски ҳарбий техника ва куруллар олиб чиқилиб, уларнинг ўрнига янгилари ва замонавийлари, жумладан, 6 та бронетранспортер, 6 та танк, 6 та ҳарбий вертолёт, 4 та қирувчи учоқ, 4 та зенит мосламаси ва 4 та ҳаракатланувчи



ходимлари билан биргаликда балон ямаш пунктларининг рўйхатини туза бошладилар. Тез кунларда улар ушбу пунктларнинг эгаларидан эски ва ташлаб кетилган автобалонларни маҳаллий ҳокимиятларга қарашли унитар корхоналарга топшириш мажбуриятини юқловчи тилхатлар ола бошлашади.

Ишлатилган авторезинани каучук гранулаларига айлантиришга ихтисослашган цех ва фирмалар энди авто-

ларни сиёсий элитамизда рўй бераётган муҳим муаммолар бўйича очикча гаплашиб олиш учун чақирдим”, — деди Ўзбекистон президенти.

Биз И.Каримовнинг 2014 йил 24 январьдаги деярли бир ярим соталик нуткидан энг муҳим жойларини келтиришни лозим топдик. (Қуйида келтирилган матн Каримов нутқининг сўзма-сўз баёни эмас – У.Х.):

“Мана ярим йилдир-ки, мен сизларнинг ҳаракатларингизни кузатиб келяпман. Навбатдаги президентлик сайловлари яқинлашган сари баъзиларингизда сиёсий фаоллик кузатила бошлади. Албатта, Интернетда асосан бўлмағур нарсалар ва тухмат ёзишади.

Бироқ охири пайтларда ушбу ахлатхона (Интернет назарда тутилмоқда – У.Х.), Рустам (МХХ раиси Рустам Иноятовга мурожаат – У.Х.), сен ҳақингда ёзиб, Гулноранинг пулларини Европадан қайтариш учун кураш баҳонасида оиламга ва ҳаттоки менга қарши ҳужум бошаганинг тўғрисида жар сола бошлади. Интернетда ёзишларича, мендан кейин ўрнимга президент бўлмоқчимисан ёки ўзингнинг одамингни олиб келмоқчимисан. Сен бу хабарларни инкор қилишга шошилма.

Кел, Интернет алдамаяпти, сен ҳақиқатдан ҳам президент бўлмоқчисан, деб фараз қиламиз. Сен ёки сенинг одаминг президент бўлди, деб тасаввур қилайлик.

Рустам, президентлик лавозимидаги илк ҳаракатларинг қандай бўлади?... Нега жимсан? Нима деб жавоб беришни билмаяпсанми? Мен эса иқтидорингнинг илк соатларида нималар қилишингни биламан.

Сен зудлик билан ўзингнинг мххчиларингга ўз адашингни (Ўзбекистон молия вазири Р.Азимов назарда тутилмоқда – У.Х.) ҳибсга олишни буюрасан. Чунки сен уни ўзингнинг асосий рақибинг деб ҳисоблайсан.

Америкаликлар ёки европаликлар унга ҳокимиятни қўлга олишда ёрдам беришади, деб ўйлайсан. Сен иқтидорга келсанг, албатта,

(Давоми кейинги саҳифада)

УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: ИСЛОМ КАРИМОВ УМРИНИНГ ОХИРИГАЧА ИҚТИДОРДА ҚОЛИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ

ҳаводан ҳимоя воситаси келтирилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Президентининг Хавфсизлик Хизмати (ПХХ) бошлиғининг буйруғига биноан Кўксарой қароргоҳининг атрофида (“Геофизика” мавзесидан келиб, Чингелди қишлоғига кираверишда) қўшимча назорат-ўтказиш пункти ўрнатилди.

Шунингдек, 2014 йил 25 январь куни Ўзбекистон МХХ раиси ўз идорасининг Тошкент шаҳар ва вилоят бошқармаларига муҳолиф партиялар вакиллари ҳамда инсон ҳуқуқлари гуруҳларининг фаоллари устидан тунукунлик ташқи кузатувни қайтадан бошлашни буюрди. Ва 27 январь, душанба кунидан бошлаб, ўзбек муҳолифатчилари, ҳуқуқбонлари ва уларнинг қариндошлари истикомат қиладиган уйлар ёнида маҳаллий махсус хизматларнинг ва ички ишлар идоралари терроризмга қарши бошқармаларининг тезкор ходимлари яна “навбатчилик” қилишни бошлашди. 2014 йилнинг 25 январь куни Ўзбекистон ички ишлар вазири Адҳам Аҳмадбоев антиқа бир буйруққа имзо чекиб, вазирликнинг Тошкент шаҳар ва вилоят бошқармаларига балон ямаш пунктларида йиғилиб қолган эски автобалонларни олиб қўйиш ҳақида топшириқ берди.

Ва мазкур буйруқни бажариш мақсадида маҳаллий милиционерлар шаҳар, вилоят ва туман ҳокимиятлари

резинани маҳаллий ҳокимиятлардан сотиб олишга мажбур бўлишади.

Ўзбекистон ИИВнинг охириги буйруғи Киевдаги воқеалар, яъни украин муҳолифати тарафдорлари автомобиль балонларини мунтазам келтириб, тўплаб ва ёқиб юборганлиги туфайли чиқарилди. Лекин бу буйруқ ташаббуси Ўзбекистон ички ишлар вазирининг ўзидан чиқмади. Мудофаа вазири, ПХХ бошлиғи ва МХХ раисининг юқорида санаб ўтилган топшириқлари ҳам ушбу идоралар раҳбарларининг шахсий ташаббуси билан чиқарилмади. Улар бу ҳужжатларга Ўзбекистон президенти И.Каримов томонидан ташкиллаштирилган шошилич кенгашдан кейин имзо чекишди. Шундай қилиб...

Оқсарой қароргоҳидаги кенгаш

2014 йил 24 январь, жума куни, Тошкентдаги Оқсарой қароргоҳида Ўзбекистон президенти И.Каримов томонидан чақирилган кенгашда МХХ раиси Рустам Иноятов, ички ишлар вазири Адҳам Аҳмадбоев, мудофаа вазири Қобул Бердиев, Бош вазир Шавкат Мирзиёев, молия вазири Рустам Азимов ва Тошкент вилояти ҳокими Аҳмаджон Усмонов иштирок этди. Кенгашни очар экан, И.Каримов иштирокчиларни мамлакатдаги бугунги ички сиёсий вазиятни ва ундан келиб чиқадиган долзарб вазифаларни муҳокама қилиш учун чақирганлигини билдирди. “Мен сиз-

(Давоми. Боши олдинги бетда)

хукуматдаги яна бир нечта одамнинг калласи кетади.

Энди тасаввур қилайлик-ки, менадан кейин сен президент бўлдинг, Рустам (молия вазири Рустам Азимовга мурожаат — У.Х.). Ўрнимни эгаллашинг биланоқ, сен Иноятовни ҳисбга олишни буюрасан. Тўғрими? Кейин эса — Шавкатни (Бош вазир Шавкат Мирзиёев назарда тутилмоқда — У.Х.). Тўғрими?

Менинг ўрнимда сен нима қилган бўлардинг, Шавкат? Менинг ўрнимда сен энг аввало менинг ўзимни ва оиламни ҳисбга олишни буюрасан. Кейин эса ушбу йиғилишнинг бошқа иштирокчиларини ҳисбга оласан. Сенинг табиатинг шундай. Мен сени биламан-ку!...

Бу билан мен нима демоқчиман? Демоқчиман-ки, ўрнимга интилишларинг натижасида бир-бирингни қамаб, таъқиб қилиб, сарой урушини бошлаб берасизлар. “Ҳокимиятни қўлга олганимиздан ва рақибларимизни йўқ қилганимиздан кейин мазза қилиб яшаб, мамлакатни осонликча бошқарамиз” — деб ўйлаяпсизларми? Адашманглар: сизларга жуда қийин бўлади...

Мана, масалан, сен, Рустам (МХХ раиси Р.Иноятовга мурожаат — У.Х.)! Президент бўлганингдан ёки бу лавозимга ўзингнинг одамингни олиб келганингдан кейин Ғарб мамлакатлари, биринчи навбатда, АҚШ хукумати сени президент сифатида тан олишига кафолат бера оласанми? Ҳа, Кремль сени дарров қабул қилади. Лекин Оқ уй сен билан мулоқот қилишига кўзим етмаяпти. Америкаликлар бу ерда сенинг ҳокимиятингга қарши худди Украинадаги инқилобга ўхшаган бир инқилоб уюштирмаслигига ишончинг комилми? Америкаликлар бу ерда иккинчи Андижон ташкил қилмаслигига кафолат бера олмайсан... Албатта, сени Вовка (Россия президенти Владимир Путин назарда тутилмоқда У.Х.) тан олиши мумкин.

Сен эса, Рустам (молия вазири Р.Азимовга мурожаат — У.Х.), Ғарб сен томонда эканлигига қувонма. Сен президент бўлсанг, сен билан Вовка гаплашмайди. Ўрислар сенинг ҳокимиятингни икки соат ичида ағдармаслигига кафолат бера оласанми? Жамсан. Чунки шундай кафолат бера олмайсан!...

Такрор айтаман: мен бугуноқ истеъфога кетишга тайёрман. Лекин мен кетганимдан кейин сизлар бир-бирингиз билан қир-пичоқ бўлмаслигингизга кафолат борми? Сизлар билан ҳам АҚШ, ҳам Россия, ҳам Хитой ҳисоблашишига кафолат

борми?...

Энди яна бир саволимга жавоб беринглар: нега АҚШ ҳам, Россия ҳам, Хитой ҳам мен билан мулоқот қилишмоқда, ҳокимиятим билан ҳисоблашишмоқда? Тўғри жавоб берди Шавкат. Чунки президент сифатида мен ўзаро курашаётган барча томонларни қониктираяпман. Чунки менинг бошқарувим АҚШга ҳам, Россияга ҳам, Хитойга ҳам қони фойда. Буни “сиёсий истеъдод”, — деб айтишади.

Мана яқинда, Сочидаги Олимпиада тугаши биланоқ, Тошкентга Путин келади ва мен олиб бораётган сиёсий йўлни қўллаб-қувватлашни эълон қилади. Кўрдингизми, ўтган йил ноябрь ойида Термизда биз Афғонистондан келаётган рус вагонларини очиб кўрдик. Ушбу вагонларда эшелон-эшелон афғон наркотиклари ташилаётганини қайд қилиб кўйдик. У (Россия президенти Владимир Путин назарда тутилмоқда — У.Х.) дарров менга кўнғироқ қилиб,

УСМОН ҲАҚНАЗАРОВ: ИСЛОМ КАРИМОВ УМРИНИНГ ОХИРИГАЧА ИҚТИДОРДА ҚОЛИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ

вазиятни бости-бости қилишни илтимос қилди. Биз вагонларни ёпиб, ўз худудимиздан ўтказиб юбордик. Бу билан биз фақат вагонларни эмас, Вовканинг оғзини ҳам ёпдик. Энди Сочидаги Олимпиададан кейин у Тошкентга, олдимизга келади. Кечирим сўрайди. Сиёсий йўналишимизни тўла қўллашни билдиради. Сизлар шундай жасоратталаб ва хатарли қадамга қодирмисизлар?

Энди навбатдаги саволимга жавоб беринглар: менинг давримда сизлар нима қилдингизлар ва қилаяпсизлар? Бу саволга мен ўзим жавоб бераман. Менинг давримда, масалан, Иноятов истаган одамни ҳисбга олиб, истаган одамни ўлдиряпти. Катта пул ишлаяпти. Менинг топшириқларимдан кўра, ўзининг шахсий манфаатларида кўпроқ одам қамаб, ўлдиряпти. Шундай эмасми, Рустам Расулович?! Мен ҳаммасини билиб, ҳаммасига кўзимни юмаяпман. Ёки, мана, масалан, Шавкатни олайлик. У куппакундуз куни ўн яшар болани сигирларини пахта даласида бокқани учун отиб ташляпти. Ёки бўлмаса, совук кунда фермерларни ҳовузга тушириб, ўт ейишга мажбур қилмоқда. Бу ишларни у давлат режасини бажариш учун қилмоқда! Баракалла! Лекин у ҳам ривожланиб кетаётган фирма ва компанияларни ноқонуний тарзда текширтириб, уларнинг мулкани қариндошларига олиб бериб, пул

қилишни унутмаяпти. Мен бу нарсаларга ҳам кўз юмиб келяпман...

Бошқа президент, ўзгача бошқарув, бошқача тузум бўлганида бу жинойтлар учун ҳаммангиз камокда ўтирган бўлардингиз! Бошқа президент бўлганида бундай жинойтлар учун халқ сизларни юзлаб бўлақларга чопиб ташларди!

Энди менга айтинглари-чи: сизлар бундан кейин ҳам ялло қилиб яшамоқчимисизлар ёки менинг ўрнимни талашиб, гарданингизга оғир юк олмақчимисизлар? Жавоб беринглар!...

Агарда бундан кейин ҳам менинг орқамда гуллаб яшнамоқчи бўлсангиз, ўрним учун бефойда курашингизни ва ўзаро низоларни зудлик билан тўхтатишингиз керак. Агарда сиз бундан кейин ҳам фаровонликда яшамоқчи бўлсангиз, менинг яна бир шартимга кўнишингиз керак бўлади.

Шартим шундан иборат-ки, сизларнинг фаровонлигингизни, мамлакатдаги барқарорликни таъминлаш

мақсадида мен ўз лавозимимда ОХИРИГАЧА (умрбоқий — У.Х.) қолишга мажбурман. Бу қарорга қелишим қийин бўлди.

Лекин мен бошқа йўл топа олмадим, чунки бугунги кунда сизлар президентлик эстафетасини ва йирик давлатлар раҳбарларининг розилигини олишга тайёр эмасизлар. Балки, бир неча йилдан кейин сизлар бундай масъулиятли ишга тайёр бўларсизлар. Лекин ҳозир ва бугун бунга тайёр эмасизлар.

Агар бу борада эътирозлар ёки бошқа фикрлар бўлса, очик айтаверинглар. Сизларни очикча гаплашиб олиш учун чақирганимни бошида айтдим. Такрорлаб айтаман, мен бугуноқ истеъфога чиқишга ва давлат бошқарувини сиёсий элита аъзолари ва бутун мамлакат хавфсизлигига кафолат бера оладиган одамга топширишга тайёрман...

Менинг шартимга рози экансиз, келинглари, қўшини столга ўтиб, коньяк билан тўлдирилган рюмкаларни бўшатиб, розиликни нишонлаймиз... (Зиёфат дастурхонида МХХ раиси Рустам Иноятов касаллигини айтиб, коньяк ичишдан бош тортди.

Лекин Каримов ва кенгашнинг бошқа иштирокчилари давлат раҳбарининг раъйини қайтармасликни сўраб, Иноятовни кўндиришди. — У.Х.)

Давоми келгуси сонда

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Жамшид Файзиевнинг ишдан бўшатилиши

МХХ раиси президент Каримовнинг қабулига эришиб, давлат раҳбарига "Давлат маслаҳатчиси Ж.Файзиев Президент Хавфсизлиги Хизмати (ПХХ) ишларига аралашиб келган ва ПХХнинг собиқ бошлиғи Аҳад Носиров билан ҳамтовоқ бўлган"лиги ҳақидаги "ҳисобот"ни тақдим қилди. А.Носировнинг исмини эшитиши биланоқ И.Каримов жунбушга келди, чунки президент ўзининг собиқ "қўриқчи"сига нисбатан қаттиқ жаҳлдор эди.

Иноятонинг "ҳисоботи"ни эшитиб, жаҳли чиққан президент Каримов Ж.Файзиевни Давлат маслаҳатчиси лавозимидан четлатиш ҳақида буйруқ тайёрлашни топширди. Ва 2013 йил 25 декабрь куни Ж. Файзиев "ўз аризасига кўра" ишдан олинди. И.Каримовнинг ПХХ собиқ бошлиғи Аҳад Носировга нисбатан жаҳлдорлигига келсақ, президентнинг нафратига "давлат раҳбарини Г.Каримовнинг қилмишлари ҳақидаги ахборотдан изоляция қилганлиги" ягона сабаб эмасди. Бошқа ҳолларда ҳам ПХХнинг ҳатти-ҳаракатлари президентнинг асабини бузиб келган.

Жумладан, 2013 йил 30 август куни И.Каримов "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акциядорлик компаниясига (ДАК-га) қарашли Тошкент Қуюв-механика заводининг очилиш маросимига келди. Давлат раҳбари завод ҳудудини ДАК раиси Очилбой Раматов билан бирга кеза бошлади. Бироқ салдан кейин қуюв цехи биносининг ичида президент Каримов илдам қадамлар билан олдинга юра бошлаганда О. Раматов бирданига жойида тўхтаб қолди. Раматовнинг жойида қотиб қолганини президент Каримов бир неча 10 метр юриб бўлгандан кейин сезиб қолди.

Президент орқасига ўғирилди ва ДАК раисига қарата: "Нега у ерда тўхтаб қолдинг? Кел бу ёққа!" – деди. Бироқ кўрқувдан ранги оқариб кетган Раматов жойида қотиб тураверди. Шундан сўнг Ислон Каримов орқасига қайтиб О. Раматовга: "Сен нега бу ерда туриб қолганингни фаҳмлапман. Буни сендан менинг кўриқчиларим талаб қилишдими?" – деди. Шунда "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси раиси шу ерда тўхтаб қолишни ҳақиқатдан ҳам ПХХ зобитлари талаб қилганини айтди. "Ислон Абдуғаниевич, кеча Сизнинг тансоқчиларингиз бу ерга келишди ва менга асфальтдаги мана бу қизил чизиқни кўрсатишди. Улар менга мана шу чизиқни кесиб ўтмасликни буюришди. Улар: "Агарда президент билан шу чизиқдан у ёғига ҳам ўтадиган бўлсангиз, кейинчалик ПХХнинг кўрсатмаларини бузганлигингиз учун тўла жавоб бера-сиз", — дейишди" – дея, таъкидлади О. Раматов.

ДАК раисининг тушунтиришларини эшитиб, президент И.Каримов Қуюв-механика заводига келган барча тансоқчиларини сўка бошлади. Президент ПХХнинг ўша пайтдаги бошлиғи А.Носировни ҳам ҳақоратлаб кетди. Ва МХХ раиси Р.Иноятон И.Каримовнинг ПХХ

собиқ бошлиғи А.Носировга нисбатан кескин нафратини Ж.Файзиевни Давлат маслаҳатчиси лавозимидан бўшатиш масаласида ишга солди. Ва Иноятонинг ай-ёрлиги яна бир марта иш бериб, керакли вақтдаги аниқ зарба бўлиб хизмат қилди.

Эслатиб ўтамиз, И.Каримовни ташқи дунёдан мақсадли равишда изоляция қилиб келган ва келаётган ПХХ бошлиқлари, шу жумладан А.Носиров ҳам бу ишларни Р.Иноятонинг шахсий ва махфий топшириғига кўра амалга ошириб келишган ва келишмоқда. Президентни изоляция қилиш ишларининг асл ташаббускори ПХХнинг бошлиқлари эмас, балки МХХнинг раиси эканлиги ҳақидаги фикр ҳатто президент Каримовнинг ҳам хаёлига келмаяпти.

МХХ раҳбариятининг президентга



Усмон ҲАҚНАЗАРОВ:

"ИНОЯТОВ ва ШАРИФХЎЖАЕВ каримовпараст кучишлатарларни йўқ қилишга киришди"

қарши шу ва бошқа ҳатти-ҳаракатлари ҳақида Қ.Ёқубовга ўхшаган одамлар Ислон Каримовга етказишмоқчи бўлишмоқда. Лекин уларнинг уринишлари самарасиз яқун топмоқда, чунки давлат раҳбарига олиб борадиган йўллар қаттиқ тўсиб қўйилган. Президентнинг олдига нафақат ўзбек махсус хизматларининг истеъфодаги зобитлари, балки президентнинг тўнғич қизи ҳам кира олмапти. Шундай қилиб...

Г.Каримовнинг пиар лойиҳаси

Жорий йилнинг январь ойида Г.Каримова Европадаги бир неча консалтинг компанияларга тижорий таклиф билан чиқиб, "Фарбий Европа оммавий ахборот воситалари ва сиёсий доираларида ўзига ички сиёсий фитналарнинг қурбони ва ўзбек махсус хизматларининг ягона душмани образини яратиш мақсади"да махфий ва давомли пиар кампания ўтказиш масаласини ўртага ташлади. Ушбу кампаниядан қўзланган яқуний мақсад Г.Каримова учун МХХ зулмига қарши курашувчи шахс образини яратишгина эмас, балки Г.Каримовани ягона ўзбек муҳолифатчиси сифатида тан олдириши ва унинг музлатилган ҳисоб-рақамларини кейинчалик очишдир. Агар ушбу келишув амалга ошса, шартноманинг умумий қиймати очилган маблағларнинг 5-10 фоизини ташкил қилиши мумкин. Бугунги кунда шундай таклифлар Британия, Испания, Италия ва Германиядаги компанияларга жўнатилган. Баъзи консалтинг компанияларнинг вакиллари билан Г.Каримовнинг ўзи мулоқот қилган, бошқалари билан эса тўнғич қизининг "чопарлари" алоқа қилишмоқда. Шундай экан, яқин кунлар ичида Фарбий Европадаги оммавий ахборот воситалари катта пуллар эвазига Г.Каримовани "Ўзбекистондаги диктату-

рага қарши оташин курашчи" образида тасвирлашни бошлашлари мумкин.

Бундан ташқари, Г.Каримова томонидан ишлаб чиқилиб, Европадаги консалтинг компанияларга тақдим қилинган пиар ҳужжатда "Лойиҳанинг айрим босқичларини амалга ошириш ишларига баъзи ўзбек ҳуқуқбон ва журналист гуруҳларни жалб қилиш зарурлиги ҳақида" банд мавжуд. Шундай экан, Европа Иттифоқи мамлакатларида истиқомат қилаётган баъзи ўзбек муҳолифатчилари, ҳуқуқбонлари ва мустақил журналистлари ҳам яқин кунлар ичида Г.Каримова шаънига мадҳиялар айта бошлашлари мумкин.

Албатта, агар Г.Каримова қайсидир консалтинг компанияси билан шартнома имзолашга эришса, баъзи ўзбек

муҳолифатчилари, ҳуқуқбонлари ва мустақил журналистлари Европа оммавий ахборот воситалари изидан бориб, катта пуллар эвазига Г.Каримовага илб бошлашади. Фақат улар "илиш" учун тўланадиган пулларни Г.Каримованинг ўзидан эмас, консалтинг компаниялардан бирининг кассасидан олишади.

Г.Каримова тижорий пиар лойиҳа билан айнан қайси консалтинг компанияларга мурожаат қилгани ҳозирча гуруҳимизга номаълум. Бироқ биз ушбу компаниялар ҳақида маълумот топишга ҳаракат қиламиз. Ҳеч бўлмаганда, Г.Каримовага пиар хизматлар кўрсататиш ҳақида шартнома тузадиган компания жойлашган мамлакатни билиб беришга ҳаракат қиламиз. Шундай қилиб...

Сўнгсўз

Иноятонинг ҳокимият учун олиб бораётган кураши тобора очик ва аёвсиз тус олмоқда. Ва иноятончилар каримовпараст кучишлатарларни ишдан олиб, жисмонан йўқ қила бошлагани бунга яққол далилдир. Бу ҳол Р.Иноятон ўз душманининг тарафдорларидан батамом қутулишга қарор қилганидан ҳам далолат беради.

Бошқа тарафдан олиб қараганда, президентнинг тўнғич қизи Г.Каримова Фарб мамлакатлари банкларида музлатилган ўз пулларини мустақил равишда қутқаришга киришди. Ва, юқорида айтганимиздек, Г.Каримова айнан шу сабабдан Европадаги консалтинг компанияларига пиар таклифи билан чиқди. Бу эса Г.Каримова ўз маблағларини отасининг ҳаракатлари эвазига қутқарилиб, каримовларнинг оилавий ҳамёнига қайтарилишини истамаётганидан далолат беради.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ

сиёсатшунос

2014 йил 27 январь

**Бу кун мусулмонга чўз
бўлди иймон,
Яқинлар юз буриб**

имтихон хижрон

Ўз эътиқодида сабр билан, собитқадамлик билан ҳаракат қилиш, Аллоҳнинг айрим бандаларигагина насиб қилар экан.

Буларнинг эътиқодларида маҳкам туришлари кимларгадир амалларда адашиш, яқинларидан воз кечиш, ортиқча торлик, ёки етиб бўлмас орзуларга интилиш бўлиб туюлса, яна кимларга бу мисли кўрилмаган, саҳобаларнинг йўлларига эргашган инсонларнинг қаҳрамонлиги дея қабул қилинар экан.

У инсонларга эса бу баҳоларнинг заррача аҳамияти бўлмай, улар ўзларининг Хожалари бўлмиш Аллоҳ Таъолонинг розилигига эришишни ўзлари учун олий гоё деб белгилаб, мана шу гоёга етиш йўлидаги ҳаракатларини заррача сустлаштирмай давом этар эканлар.

Мана бир неча йилдирки, Ўзбекистон қамоқхоналари мусулмонларнинг эътиқодларини синаяб, имтихон қилиш майдонига айланган. Инсонийликдан йироқ бўлган жазолашлар натижасида қанча – қанча қаҳрамонлар шаҳид бўлдилар, яна қанчалари бу мақомга эришишни кутмоқдалар.

Лекин бу жазолар уларнинг иймонларини янада мукаммаллаштишига сабаб бўлиб, аксинча жазоловчилар учун қарши ҳужжатларнинг кўпайишига олиб келмоқда.

Хар ишнинг ҳисоби бор дерлар, албатта бу зулмкорлар, Аллоҳнинг буюрган амалларидан тўсиб, иймонли бандаларни, эътиқодлари сабабидан жазолаётганликлари учун жавоб берадилар.

Бахтсиз воқеа сабаб Ўзбекистон қамоқхонасида бўлиб қайтган бир аёлни у ердаги мусулмонларга нисбатан қилинаётган муносабатларидан, зулмларидан таъсирланиб, кўзларидан ёш билан айтиб берган воқеаларини сизларга маълум қилишга ҳаракат қилдик.

Ўзбекистон қамоқхоналарида мазлум мусулмонларга нисбатан қилинаётган зулм, азоб-уқубатлар, муслима аёлларнинг хўрланиб қийноққа солинаётгани ҳақидаги хабарлар ва мақолалар омма эътиборига хавола қилинар экан, айрим инсонлар бу хабарларни ёлғон деб ҳисоблашлари ёки демократик давлатда инсон ҳуқуқи қафолатланади, намоз ўқигани учун ҳечким жазоланмайди дея даъво қилишларининг гувоҳи бўлиш мумкин. Табиийки, мен ҳам бундай ҳолатларни ўз кўзим

билан кўриб гувоҳи бўлмаганимга қадар шундай фикрда эдим.

Мен ишдаги хато ва камчиликларим туфайли бир муддат токи ишим кўрилиб суддан озод этилганимга қадар Бухоро турмасида бўлдим. Бу вақтда Эшонқулов муассаса раҳбари эди.

Мен бу ерда хар хил аёлларни, жумладан диндорлиги сабаб қамалган хижоблик аёлларни ҳам кўрдим. Турмада уларга жуда ёмон муомала қилинардики бошқа сабаб билан қамалганлар бундан мустасно эди.

Эшонқулов ўзи назорат қилади. Бош тортганларни эса унинг ўзи жазолайди.

Бу ерда диндор аёллар ўзаро гаплашишлари ҳам таъқиқланган бўлиб, агар бунга ўхшаш тартиблар бузиладиган бўлса хлорланган, нафасни қисадиган махсус хонага қамаб қўйилади. Муслималар орасидаги Зоҳида исмли аёл, хомиладор бўлсада, у ҳам аямай жазоланар эди.

У суди арафасида фарзандли бўлди. Унинг айтишича хатто туғруқ пайтида ҳам қўриқчи йигит уни туғруқ столига кўлидан кишан-



Бу ерда диний эътиқоди сабаб қамалган аёллар тарбияси билан Баҳриддин исмли киши шуғулланар, у аёлларни хар куни навбати билан олиб чиқиб урарди.

Аёллар бир аҳволда хонага қайтиб келишарди. Муслималар орасида Адолат исмли аёл бўлиб, бир сафар у Баҳриддиннинг тарбиявий соатидан қайтгач уни таниёлмадик.

У ўлғудай калтакланган, кейин сочи қирқиб олинган, кўйлагини энги ва этаги калта қилиб кесиб ташланганди. Бу аёллар намоз ўқишига рухсат берилмас, биргина намози учун қаттиқ жазоланар эди.

Бу ерда уларни хатти-ҳаракатини назорат қилиб, кузатиб туриш учун маҳбус аёллардан баъзилари шу ишга тайинланган.

Булардан, никоҳсиз фарзанд кўриб ўз айбини ёпиш учун ўзи тукқан чақалоғини кўмиб ўлдирган Асал исмли аёл ва янғасига адовати туфайли ваҳшийларча янғаси билан 3 та боласини устидан уйига қулфлаб ўт қўйиб юборган Шоҳиста ва шу каби золим бераҳм аёллар бундай топшириқларни аъло даражада бажарар, хоҳлаганларича калтаклаб туришарди.

Бу турмада муслима аёлларга хар куни эрталаб Ўзбекистон мадҳияси мажбуран айттирилади ва буни

лаб, ўзи эшик ортига чиқиб турган.

Эй мусулмон халқи! Бу тузум иймонли мусулмонларни ўзига душман деб билди, лекин сиз учун бу ожиза муслима ва шаҳид мусулмонлар биродарингиз эмасмиди?!

Тузум бошлиқлари уларни жиноятчи деб айтишса, улар жиноятчи бўлиб қолаверадими, сиз уларни химоя қилишингиз керак эмасмиди?!

Асли жиноятчилар шу бошлиқларнинг ўзи, улар Аллоҳнинг ҳукмларига қарши чиқмоқдалар, исён қилмоқдалар, хатто ўзлари қабул қилган қонунларга ҳам амал қилаётганлари йўқ.

Сизлар эса шундай ваҳший жиноятчиларга ўз биродарларингизни жазолашлари учун индамай қараб турибсизлар.

Ахир мусулмон бундай бўлмайдик. Аллоҳдан кўрқинг, Аллоҳга тавба қилиб, Аллоҳнинг ҳукмларига итоат қилинг ва биродарларингизни химоя қилинг!!!

**Бағримга босгандим
севинч кунларда.**

**Биродарим дея қўл бериб унга,
Бугун менсиз, таъвиш
унинг бошида.**

**Аллоҳ, қандай жавоб
берарман бунга?!
Абдумалик Ибн Марвон**



СОЛИХ АЛАЙҲИССАЛОМ.

Самуд қавми Роббларнинг амрига қарши кибр ва ғурур тузоғига тушдилар, озғинлик қилиб, туяни бўғизладилар (43). Туяни бўғизлаганлардан биттаси қизил, сариқ, кўк кўзли, кўса ва калта кимса эди. Иккинчиси, узун бўйли телба, титрак бир одам эди (44). Она туя бўғизлангандан кейин боласи қочиб, тоққа чиқди (45). Бўталоқ туя Солих алайҳиссаломни кўриб, йиғлади, уч марта бўқирди.

Солих алайҳиссалом Самуд қавмига:

- Ҳар бўқириши битта ажалдир. Юртингизда яна уч кун яшаяжаксиз. Бу ёлғонлаш мумкин бўлмаган бир ваъдадир, — деди (46).

Самуд қавмидан Солих алайҳиссаломни ўлдиришга ҳаракат қилганлар бўлди, аммо Аллоҳ уни сақлади (47).

Самуд қавмининг ҳалок бўлиши

Самуд қавми Солих алайҳиссаломни масхара қилиб, азобга қачон учрайақларини сўради. Солих алайҳиссалом:

- Азобаломатларишу: биринчи кун тонгда юзларингиз сап-сарик бўлиб ўйғонажаксиз. Иккинчи кун юзингиз кизариб ўйғонасиз. Учинчи кун эса юзларингиз қорайиб ўйғонажаксиз, — деди уларга. Ҳақиқатан ҳам, илк куни сабоҳда ҳаммаси — катта-кичик, эркак-хотин, ҳаммасининг юзлари худди холук ҳиди суртилгандай сап-сарик бўлганди (48). Буни кўриб, Самуд қавми ҳалок бўлажақларини, Солих алайҳиссаломнинг тўғри сўйлаганини англадилар (49).

Иккинчи кун юзлари кизариб, ўйғондилар.

Учинчи кун юзларига худди қора куя суртилгандай қорайиб тонг оттирдилар (50). Тўртинчи кун, бозор

куни ўйғонганларида қайси азоб келишини, азобнинг қаердан келишини (57), осмонданми, оёқлари остидан, ерданми (52) келажagini билмай, гоҳ бошларини кўтариб осмонга, гоҳ кўзларини оёқлари остига — ерга боқишар эди (54). Тонг пайтида (55), куёш туғар экан (56), кўқдан бутун момақалдиқларнинг гулдираши ва ер юзининг бутун шовкин-суронини (57) ўзида тўплаган шундай бир ҳайқирик уларнинг устига индики, уларнинг юраклари парча-парча бўлди (58), жонлари баданларидан учди, нафаслари шартта кесилди, ҳаракатлари такқа тўхтади. Тағларида ҳам шиддатли бир зилзила рўй берди (59).

Аллоҳ ҳарамида бу азобдан сақлагани битта одамдан бошқа на кунчиқар, на да кунботарда ҳалок бўлмаган кимса қолмади (60). Ўша қутилган бир киши Абу Риғол эди (61).

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (6)

Од қавмининг ҳалоки ила Самуд қавмининг ҳалоки орасида ўтган вақт 500 йил эди (62).

Қурьони Каримда Самуд қавми ҳақида баён

Солих алайҳиссаломнинг Самуд қавмига юборилиши ва уларнинг ёмон ҳатти-ҳаракатлари ва оқибатлари Қурьони Каримда Шундай баён қилинади:

“Онт бўлсинки, асҳобий Ҳижр ҳам Пайғамбарларни ёлғончига чиқаргандилар. Биз уларга оятларимизни берган бўлсак ҳам, улардан юз ўгиргандилар. Улар (ўзларига) тоғлардан мустаҳкам уйлар йўниб, иншо этгандилар (63).

Онт бўлсинки, биз Самуд (қавмига) ҳам “Аллоҳга ибодат этингиз”, дея биродарлари Солихни юбордик. У қараса, бу қавм бир-бирлари билан талашган икки фирқа. (Солих):

- Эй қавмим, нечун яхшидан аввал дарров ёмонни (азобни) истайсиз? Аллоҳдан афу этилишингизни истасангиз бўлмайдами? (Балки афу этиласиз!) Улар:

- Биз сен сабабли, сенинг моюятингда бўлган кимсалар (мўминлар) сабабли омадсизликка учрадик, — дедилар. (Солих):

- Сизнинг (бутун) амал ва ҳаракатлар(ингиз) Аллоҳ қатида гизли (яширин) эмас. Балки сизлар имтиҳон қилинаётган бир қавмсиз.

У шаҳарда (Ҳижрда) 9 эркак бор эди, булар ер (юзи)да фасод чиқариб, яхшиликка ёндошмасдилар. Улар Аллоҳнинг номи билан онт ичиб, “Унга (Солихга) ва аҳлига бир

кеча боқин қилайлик (ҳаммасини ўлдирайлик), кейин унинг валийсига, у оиланинг ҳалоки пайтида биз йўқ эдик, деймиз. Албатта бизлар (бу сўзимизда) ростгўй кишилардирмиз, деймиз”, — дедилар.

Улар шундай маккорлик қилмоқчи бўлдилар. Биз ҳам “макр” қилдик (улар буни ҳаёлига ҳам келтиришмади)...(64)

У: - Эй қавмим, Аллоҳга ибодат этингиз. Сизнинг Ундан бошқа ҳеч бир илоҳингиз йўқдир.

У сизни (тупротдан) ердан яратди ва сизни яшашингиз учун у ерда ерлаштирди.

Шундай экан Ундан афу тиланг, сўнгра Унга тавба этинг.

Шубҳа йўкки, Роббим(нинг раҳмати) жуда яқиндир. У (дуоларни ҳам) қабул этгандир (65). Уйлаб кўринг, Аллоҳ сизни

Од (қавми)дан кейин ҳукмдор қилди. Ер юзига сизни ерлаштир-

ди. Водийларда кўшқлар қурдингиз, тоғларидан уйлар йўнтаяпсиз. Энди Аллоҳнинг лутфини хотирланг. Ер юзида (юриб,) фасод чиқармангиз, — деди (66).

- Эй Солих, сен аввал ичимизда умид қилинган биттаси эдинг. (Энди бизни оталаримизнинг топинган нарсаларидан бизни воз кечтирмоқчимисан?)

Сенинг бизни (ибодатига) даъват қилаётганингдан ҳақиқатан ҳам шубҳаланмоқдамиз, — деди (қавми). (Солих) деди:

- Эй қавмим, борди-ю мен Роббимдан (қелган) очик мўъжиза узра турган бўлсам, у Робб менга ўзидан бир раҳмат (Пайғамбарлик) берган бўлса, бунга нима дейсиз?

У ҳолда — агар унга исён этсам — Аллоҳдан (Унинг интиқомидан) ким мени қутқарар, ким ёрдам этар? Яъни, сиз мени зиёнга учратмакдан, уни менга қарши орттирмакдан бошқа нарс қилмаяжаксиз (67).

Шубҳасизки, мен сизга юборилган амин бир Пайғамбарман. Ортик Аллоҳдан кўрқинг ва менга итоат этинглар.

Мен бунинг эвазига сиздан маош истамайман. Менинг мукофотим оламларнинг Роббидан бошқасига оид эмас.

Сиз бу ерда(ги) неъматлар ичида — боғлар, булоқлар, экинлар ва мевалари нафис ва юмшоқ хурмо дарахтлари ичида доим амин юраман, деб ўйлайсизларми?

Тоғлардан ҳашаматли уйлар йўнасиз!

Давоми келгуси сонда

Куллар – ижтимоий ва иқтисодий шароитларгина қул бўлишга мажбурлаган ёки ҳўжайинлари хоҳласа сотадиган ва хоҳласа ҳайвондек муомала қиладиган кимсаларгина эмас. Аксинча, куллар – ижтимоий ва иқтисодий шароитлар қулликдан озод қилган бўлса-да, қуллик сари ўз хоҳишлари билан талпинган кимсалардир...

Куллар – саройлари, ерлари, етарли пуллари, иш бериш ва ишлаб чиқариш имкони мавжуд, мулклари ва таналарига бирон кимсанинг вассийлиги бўлмаган, шундай бўлса-да, ҳўжайинларнинг дарвозаси олдида тирбанд турган, қуллик ва хизматкорликка талпинган, бўйинларига кишан, оёқларига занжир солган ҳамда қуллик нишонини ғурур ва фахр билан тақиб юрган кимсалардир...

Куллар – ичкарида ҳўжайинларнинг хўрланган қулларни этиклари билан қандай тепкилагани, хизматидан огоҳлантиришсиз қандай ҳайдагани, қулларнинг эса ҳўжайинлари олдида бошларини итоаткорона эггани ва ҳўжайинлар уларга тарсакини қандай тушираётгани ва охир-оқибат уларни остонадан ташқарига улоқтиришга қандай буюраётганини ўз кўзлари билан кўриб турсалар-да, қувилган хизматкорлар ўрнига ўз хизматларини тақдим этиш учун остона олдида тирбанд турган кимсалардир... Ҳўжайин қанчалар кўп тажирласа, улар ҳўжайинларига, пашшадек парвона бўлиб, шунча талпиндилар...

Куллар – хурриятдан қўрқадиган кимсалардир. Уларни бир ҳўжайин қувса, бошқа ҳўжайинни қидиришади. Чунки уларда қулликка бўлган кучли эҳтиёж бор. Чунки уларнинг олтинчи ёки еттинчи ҳис этиш туйғуси – қуллик иштиёқи бор! Улар бу туйғуни қондиришлари керак... Уларни биров қул қилмаса, бу туйғулари ташналикни ҳис этади ва улар ўзларини остоналарга ташлаб ёлвора бошлашади. Ҳўжайиннинг бир ишораси билан унга сажда қилиб йиқилишади!...

Куллар – озод қилинишса хур инсонларга эмас, кўрада қолган бошқа қулларга ҳасад қиладиган кимсалардир. Чунки, хуррият уларни кўрқитади, эҳтиром – уларга оғирлик қилади. Зеро белларига боғлаган қуллик камари, уларнинг ғурурланган нишонларидир! Хизмат кийимларига тақилган нишонлари эса, улар жонларини фидо қилишадиган қимматбаҳо зийнатлардир!

Куллар – бўйинларида эмас, кўнгилларида кишанни ҳис этган кимсалардир. Шу боис уларнинг таналари тушаётган қамчи зарбаларини ҳис этмасада, хорли ва хўрлик қамчилари уларни ҳаяжонлантиради... Қулжаллоблар уларни қулоқларидан ўтказилган ҳалқалар билан етакламайди. Аксинча, улар қулжаллобсиз ҳам кетаверадилар. Чунки қуллик уларнинг қонларида гизлидир!

Куллар – қуллар занжирида ва қулжаллоблар кўрасидагина ўзларини яхши ҳис этадилар.

У ердан чиқиб, жамиятдаги жўшқин ҳаёт ичида дарбадар бўлиб, ёруғликка боқишдан кўрқишади ва итоаткорона қайтиб, кўра дарвозасини қоқишади... Дарвозабонларга дарвозаларни очишлари учун ялиниб-ёлборишади...

Куллар шундай бўлиш бирга, Ер юзидаги – зўравон, хурриятпарвар инсонларга – қаттиққўл, уларга ишканжа қилиш билан роҳатланадиган, озорлаш ва азоблаш билан лаззатланадиган, шафқатсиз ва бағритош жаллодлар

қулбаччаларини юргизиб, сафларни парчалаш учун қилаётган ҳаракатлари беҳуда кетмоқда!

Хур инсонлар танасини моматалоқ қилаётган қамчи савашлари беҳудадир! Фовларни бузган, қояларни парчалаган ва рўпарасида тиконлардан бошқа нарса қолмаган хуррият карвони, энди тўхтамайди!

Бу – интилишдан кейинги интилишдир! Кўҳна тажрибаларнинг барчаси хуррият билан қуллик ўртасида бўлиб



мисоли ўч оладиган кимсалардир. Улар хур инсонларнинг мақсадларини тушуна олмайдилар. Аксинча, хурриятни – давлатга қарши чиқиш, устиворликни – иллат, иззатни эса жинойат деб тушунадилар. Шу боис ичларидаги интиқом олиш туйғусини қуллар карвонида юрмаган иззатли ва ғурурли инсонлар устида амалий татбиқ этадилар.

Куллар, ўз ҳўжайинларини рози қилиш учун мусобақа қилишганидек, хур инсонларни сазойи қилиш воситаларини ўйлаб топишга ҳам белларини маҳкам боғлайдилар! Шундай бўлсада, ҳўжайинлари уларни хизматдан қувишади! Чунки, ҳўжайинларнинг табиати бир ўйинни кўравериб сиқилади ва ўйинчиларни дарвоза олдида турган ўйинчиларга алиштиришади...

Шундай бўлсада, келажак қуллар ва қуллар пойи остида пешоналарини тупроққа белаётган ҳўжайинларга эмас, хур инсонларгадир! Келажак – хур инсонларникидир! Чунки, башариятнинг хуррият йўлидаги кураши беҳуда кетмайди! Чунки, вайрон қилинган қуллар кўраси қайта тикланмайди. Чунки, парчаланган қуллик кишанлари қайтадан қуйилмайди!

Куллар сонининг кўпаяётгани, тўғри. Бироқ, хур инсонлар сони ҳам кун сайин ортмоқда. Халқлар бутунлай хуррият сари юришга қўшилиб, қуллар карвонидан нафрат этмоқда. Қуллар ҳам, агар хоҳлашса, хуррият карвонига қўшилишлари мумкин эди. Чунки қуллар, юқорида айтганимдек, бурунларига ҳалқа қўйишлари учун кўра дарвозаси олдида дарвозани қоқиб туришмаса, жаллодларнинг қуллар тизгинини тута оладиган даражада кучлари қолмайди. Шундай бўлсада, хуррият карвони шахдам одимлар отиб йўлида давом этмоқда. Унга йўл асносида минглаб, миллионлаб одамлар қўшилмоқда! Жаллодларнинг бу карвонининг йўлини тўсиш ёки улар устига

ўтган курашларда ғалаба хурриятга насиб этганини кўрсатмоқда. Баъзида хурриятнинг қўллари қонаши мумкин, бироқ, ҳал қилувчи зарбанинг хурриятники экани аниқдир. Бу – Аллоҳнинг Ер юзидаги қонуниятидир. Зеро, хуррият – келажак чўққисидидаги олис ғоя бўлиб, қуллик эса ўтмиш ботқоғига нодир чекинишдир.

Куллар карвони доимо хуррият карвонининг йўлини тўсишга ҳаракат қилади ва у, кўрадаги барча қулларни ўз ичига олсада, хуррият карвонида иштирок этаётганларни тор-мор қилишга кучи етмайди. Хуррият карвонида бугунги қунда фақатгина йўлбошчилар бор! Қолган қуллар карвони эса, бутун башариятнинг ўз ичига олган хуррият намойишларига қарши тура олмайди. Бу нақадар очиқ ҳақиқат бўлсада, ундан кўра устиворликда қолишмайдиган бошқа ҳақиқат ҳам бор: хуррият карвони қурбонлар бериши, қуллар карвонининг хуррият карвонининг баъзи жабҳаларини яралаши, қуллар қамчисини айрим хурларнинг таналарини моматалоқ қилиши ва хурриятнинг мажбуриятлари бўлиши керак. Ахир, қулликнинг мажбуриятлари бор экан, хурриятнинг озодлик бўлгани учун мажбурияти бўлмасинми?!

Бу ҳам, у ҳам ҳақиқат бўлсада, натижа – маълум, ғоя – равшан, йўл – очиқ ва тажрибалар – кўпдир. (Келинг), қуллар карвони ва улардаги қулларни белларидаги камарлари ва кўкаракларидаги нишонлари билан бир чеккага қўйилик ва хуррият карвонидаги хур инсонларга қарайлик: уларнинг бошларини қурбонлик ҳисси, кўкаракларини эҳтиром нишони беساب турибди. Биз, натижанинг бардошлиларга берилишини аниқ била туриб, тиконлар билан тўшалган йўлларда шахдам одимлар отаётган хуррият карвонига қўшилалик!

Менга бир аёл телефон орқали “Қочқинлик мақомини олишим керак” деб мурожаат қилди. Мен “Ҳа албатта, халқаро қонунлар асосида бунинг имкони бор, бунинг учун баъзи бир хужжатлар керак”, дедим.

Шунда бу аёл “Ҳаммасидан хабарим бор, нима кераклигини яхши биламан, менга фақат сизнинг маслаҳатингиз керак” деди. Мен “Яхши, бу телефонлик гап эмас, учрашиш керак” дедим. У эса индамасдан трубкани қўйиб қўйди. Орадан яна икки кун ўтиб, бу ҳол яна такрорланди.

Учинчи маротаба “Сизнинг мақсадингиз нима ўзи, нима истайсиз?” десам, “Мен қочқинлик мақомини олишим керак” деди. Мен “Узим ҳаммасини биламан” деяпсиз-ку, учрашайлик, десам, “Йўқ” десангиз, мен сизга қандай ёрдам беришим мумкин? хужжатларингиз бўлса, боринг миграцияга мурожаат қилинг”, дедим. У яна трубкани қўйиб қўйди.

Орадан бир соат чамаси вақт ўтиб, яна телефон қилди. “Мен уйингиз ёнидаман” деди. “Уйимни топиб келибсизми кираверинг, ҳозир хотиним чиқади ёнингизга” дедим. Беш дақиқа сўнгра хотиним билан кириб келди. Бошига рўмол ўраган, ёши кўринишидан 25 лар чамасидаги жувон экан. Ошхонада ўтириб гаплаша бошладик. Менга хужжатларини кўрсатди. Унда ёши 32 да деб ёзилган экан. Мен унинг тарихини эшитиб, оғзим очилиб қолди.

Унинг сўзларига ишонмай десам, хужжатлари буни тасдиқлаб турарди.

У камбағал оилада ўртанча қиз экан, уч акаси, уч укаси бўлиб, олти ўғилни ичига ўсган. Отаси оддий колхозчи бўлган. Ака-укалари уйланиб оилалик бўлиб кетишган, у ҳам Тошкентга турмушга чиққан, икки фарзанди бор. Турмуш қурганидан сўнг институтга кирган, Инязни тугатган. Инглиз тилида она тилидай гапирди, швед тилида мендан яхши гапирди. Ваҳоланки келганига 3 ой бўлган. Хужжатлари орасида Суд қарори ҳам бор эди. 8 йилга судланиб, 4 йил қамоқда ўтирган, амнистия орқали чиққанди.

Мен суд қарорини олиб ўқий бошлагандим, у “Ўқиманг, бу сизга тааллуқли эмас” деб, қўлимдан тортиб олди. Сўнг ўрнидан туриб, деди: “Сизга иккита саволим бор. Биринчиси: фарзандларим Россияда, укамнинг ёнида қолган. Уларни қандай қилиб олиб келишим мумкин? Шунга ёрдам бера оласизми? Иккинчиси: мен шу хужжатларим билан қочқинлик мақоми олишим мумкинми?” “Ҳа, болаларингизни олиб келишингизга ёрдам бера оламан, бунга пул керак. Қочқинлик мақоми бу – оғир масала. Аммо сиз менга ҳамма хужжатларингиз билан танишишга йўл қўймайсиз-ку!” дедим.

У эса қайта ўтириб деди: “Гапни рост, сизга бир неча марта телефон қилиб, шу ҳақида сўрашингизни билганим учун ҳам учрашишни истамандим. Майли, мана қарор. Уқисангиз ўқинг, истасангиз ўзим айтиб бера-

ман, нима учун қамалганимни”, деди. Мен нима деяримни билмай турардим. “Яхши, қисқача қилиб айтиб беринг унда”, дедим.

У тарихини баён эта бошлади. Тошкентда бозорда кичик савдо шаҳобчаси очиб, савдо-сотиқ билан шуғулланган. У яшайдиган район милиция бўлими бошлиқларидан бири “яхши кўриб қолдим” деган, сўнг ҳар хил баҳоналар билан бир неча текширувлар ўтказдирган. Солиқчилар орқали ҳам ҳар хил текширувлар уюштириб кўрган.



Турмуш ўртоғига бир неча марта бу ҳақида айтса, у бефарқ қараган. Натижада савдо дўконини ёпиб қўйишган, оилада моддий етишмовчиликлар бошланган. Кўп ўтмай унинг савдодан топган пулига ялло қилишга ўрганган эри ичкиликка ружуъ қўйган ва маст бўлиб келиб “Сенинг дастингдан шу аҳволга тушдик” деб дўпослашни одат қилган. Олдинига машинани, сўнг эса уйдаги нарсаларни олиб чиқиб сота бошлаган. Сўнг билсаки, эрини ўша мелиса “игнага ўтқазиб” қўйган экан.

Кунлардан бирида эри келиб уни роса дўпослаган, сўнг “Бугун ўша мелисани ёнига борасан, нима деса айтганини қиласан”, деган. Сабри тўлган аёл “Нималар деясиз! Ахир мен унга ўйнаш бўлиб, сиз билан яшашим керакми?” деса, эр “Ҳа, нима қипти, мен у билан бугун гаплашдим, бизларни савдо дўконимизни қайтадан очиб бераркан”, дейди.

Аёл эса “Худодан кўрқинг, ахир сўнг биз қандай яшаймиз! Мен ўша чўчқани кучоғига кириб ётаманми? Шу гапларни айтишга уялмайсизми? Ахир эркак бўлиб, қандай бош қўтариб юрасиз? Фарзандларимизни кўзига қандай қарайсиз?” деса, эр: “Ҳа, шундай эрхотин бўлиб яшаб юрганлар озми? Борасан дедим-ми, борасан!” дейди. Аёл эса “Ундан кўра, яхшиси ўзимни ўлдираман!” дейди.

Аёлнинг бу гапини эшитган эр ошхонадан пичоқ олиб келиб, аёлга тутқзади: “Ма, қани ўзингни ўлдир, кўрайчи, қанжиқ!” дейди.

Эри урса ҳам сўкса ҳам чидаб келган аёл бу ҳақоратга чидай олмайди. Эри тутган пичоқни олиб Эрнинг қорнига суқади. Эри тирик қолади, аммо ҳаммага ўйнаши билан ушлаб олдим, деб айтади. Бу сўзни судда ҳам такрорлайди, бироқ судда “даъвоим

йўқ” деб кўрсатма беради. Бу ҳақида ҳатто “Постда” газетасида ҳам мақола ёзилади. Суд 8 йилга ҳукм чиқаради, тўрт йил ўтириб, амнистия орқали озодликка чиқади. Бу вақт ичида эри болаларидан воз кечиб, аёлни отасиникига ташлаб кетган экан.

Аёл қамоқдан чиқиб, янги паспорт олиш учун паспорт бўлимига боради. Паспорт бўлимида навбатга турганида, навбатдагилар билан суҳбатлашиб, бир аёл билан танишиб қолади. Янги таниши ўзининг ҳам турмуш ўртоғи милиция ходими бўлганини,

ҳозир эса ишсизлигини сўзлаб беради. Паспортни олиш учун борганида эса яна ўша аёлни учратиб қолади. Гапдан гап чиқиб, ўз тарихини у аёлга сўзлаб беради. Аёл унга ҳамдардлик билдира туриб, мелисанинг исми-фамилиясини сўрайди. Айтганида эса, аёл ўша мелиса ўзини 5 боласи билан ажрашган собиқ эри эканлигини айтиб қолади.

Собиқ милиция ходими унинг Тошкентда яшаш жойи йўқлигини билиб, ўз уйига таклиф этади ва иққаласи опа-сингил бўлиб қолишади. Узининг шахсий фирмасига эга бўлган собиқ мелисанинг хотини уни Россияга ишга кетишига ёрдам беради. Кўп ўтмасдан у икки фарзандини ва укасини ҳам Россияга қақриб олади. Россиядаги танишлари эса Европага чиқиб кетишга кўмаклашади. Бу сафарлар учун ҳамма сарф ҳаражатларни ўша мелисанинг хотини беради.

Суд хужжатларида эса бироз бошқача ёзилган, шу сабабли ҳам уни ўқимаганингиз маъқул деб уйлагандим. Ҳар ҳолда сизлар кўпроқ қоғозда ёзилганига ишонасизлар-да” деб гапини тугатди аёл.

Мен кўринишидан озғин бу аёл бошидан шунча кулфатлар ўтказганини эшитиб, уни бардошига қойил қолдим. Биз биргаликда уни интервьюсини ва хужжатларини тайёрладик. Мен фарзандларини олиб келишига кўмаклашдим. У хозирги кунда Швецияда яшайди, яқинда қочқинлик мақомини ва доимий яшаш ҳуқуқини олди. Мана шунақанги ўзбек аёлари ҳам бор. Мен унинг тарихи ҳақида ёзмоқчи эканимни айтганимда, “ака ёзинг, фақат илтимос, исмимни ёзма. Умуман ҳеч кимнинг исмини ёзма-сангиз яхши бўлади” деб илтимос қилди.

Дўстназар Худойназар

Шоирга кўра, узокдан туриб хайрат билан боқаётган Қахрамонлар, аслида бу сифатга лойиқ кишилар эмас; Зеро буларнинг бари бор-йўғи хаёлдан иборатдир:

Лекин мен арзийман сизга

юз карра,

Чунки сизни ўзим ўйлаб чиқардим!

1980 йилда ёзилган, “Тўғри бўлмоқ” шеърида, советлар тарбияси билан вояга етганларнинг, тўғри инсонлар бўлмасликлари ва бу инсонлардан ташкил топган жамиятнинг қолаверса режимнинг куни битгани ифодаланмоқда. Шоир, бу шеърда, тўғри одамни топишга уринади. Бироқ, маънавий қадриятлари жамиятида, тўғрилиқ хусусиятига эга бўлган инсонни топиш осон эмас. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, совет жамиятида тўғри инсон бўлмоқ, мутлақо имконсиздир. Инсоннинг яратилиши жиҳатидан тўғри бўлганига ишонган Муҳаммад Солиҳ унинг

хам билмайди. Шеър сўнгида шоир, бу хайронлик ичида:

*Айт, кимга мен ўқрайиб қарайин,
Оёғини босиб олайин кимнинг?*

мисраларийла, кимга хусумат кўрсатиши кераклигини сўрайди.

Хулоса қиладиган бўлсак, режим шарофати билан, руҳи зада бўлган, ҳатто ўлдирилган совет одами, жамият ичида ёлғиздир. У ишонч туйғусини йўқотган ва ҳар замон таъқиб остида эканлигини хис қилмоқдадир. Кимнинг дўст, кимнинг душман эканлигини, нимани, нега бажарилишини, нега хафа бўлишини, нимадан мамнун қолишини билолмаяпти. Бесаранжом, беҳузур; самимиятсиз, бугунги кун қайғуси билан яшаётган, хуркак, хушомадгўй ва ўз манфаати йўлида хиёнат қилмоқдан ҳам ҳазар қилмайдиган бир типдир. Бундай инсонлар типига бир ном бериш керак бўлса, ҳеч тараддудсиз “манқурт” дея

*Сўзларни яратиб,
Уларга бўйсунамиз бир куни.
Ҳар кимнинг бўйнида осилиб*

турар,

Маълум ҳарфлардан

ташқилланган сўз.

Дейлик, “Ахмад!”

деса уйғонмайман мен,

Уйғонмайман, “Тошмат”

деб бақирсалар ҳам.

Уйғота олмайди, мени ҳеч қачон

Исмимни билмаса момақалди роқ.

Ўйлаб кўринг энди,

қанчалар қийин,

Бутун халқни уйғотмоқчи

бўлган доҳийга.

Муҳаммад Солиҳ, бу шеърда, жамиятнинг ҳар бир шахсини (онгни) битта-битта уйғотмоқ кераклигини, акс ҳолда, мақсадга эришмоқ мумкин эмаслигини ифода этмоқдадир. Шоир, “Одам жамлаб олса ўзини” шеърида, инсоннинг шахс сифатида кадр-қимматини, қудратини тасвир-

МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

ички дунёсини, характерини очиб бериш учун, жисмонан бўлақларга ажратиб, изоҳлашга ҳаракат қилади. Шоир, шеърда, бутун парчаланишларга қарамай, ичида заррача бўлсин, тўғрилиқни сақлаб қола олганлар, совет жамияти учун, тўғри инсонлар ўларок улуғланади:

Тўғри бўлмоқ нима ўзи,

Нима деганидир, тўғри яшамоқ?

Бўйинингни қайирсалар,

Қаддингни буксалар, михни

буккандай,

Қўлинггни синдирсалар,

бир чўп сингарин,

Бошингни тешсалар-у,

Дами чиққан тўндай

шалвираб қолса бошинг,

Ва шу шаклсизлик ичида,

Ичингда бир тўғри чизиқ

қолса гар,

Демак сен тўғриван,

Сен ўғри эмассан, биродар.

“Ким учун” шеърида эса, нима-ни, нега, қандай қилиб амалга оширишини билмаган совет одамнинг хайронлиги тилга олинади:

Ким учин каттаман?

Ким учин қулман?

Кимлардан юз буриб,

кимга мен кулай?

Тушунтир: мен қайси

ёқдан вакилман?

Нимадан шод бўлай,

нимадан хурсанд,

Шу ерда қилт этмай турсам?

Кимнинг кули эканлигини билмаган бу инсон, кимнинг дўст, кимнинг душман эканлигини ҳам била олмайди. Айни пайтда, нимадан хафа бўлиб, нимадан хурсанд бўлишини

ном кўйиш мумкин. Дунё жанна-ти дея пропаганда қилинган коммунизмнинг, аслида инсонни нақадар ерга уриши, хор қилинишини кўрсатиб турган бу ҳақиқатлар кишини даҳшатга солади.

Демак, сиёсий оти Совет Сотсиалистик Республикалар Иттифоқи бўлган бу Рус империяси, аслида, инсоний кадр-қимматлардан беғоналашган, таркиб топиш, танлаш қобилиятини йўқотган инсонларни юзага келтирган бир манқуртлар империясидир.

Бу, империянинг етмиш йил ҳуқум суриши, ва тарқалишини изоҳ этувчи муҳум хусусиятдир. Тузум қўрқув ва зўравонликка таянган учун бир муддат ҳукмдорлик қилди, фақат, инсон характерига сингиб кета олмагани учун тугаб битди.

Муҳаммад Солиҳ, шоир бўлиши билан бирга сиёсий ва сотсиал масалаларда ҳам катта билимга эга бўлган ғоя одамидир. У тузумдаги ҳақсизликларга эътироз этиш билан, халқнинг миллий шуурини очишга бел боғлади. Бу мақсадда, жуда кўплаб муаммоларни кўтариб чиққан мақолалар ёзди. “Бирлик” Халқ Ҳаракати ичида бўлди. “ЭРК” Демократик Партиясини қурди.

Аммо, у халқни уйғотмоқнинг, моддий ва маънавий ҳаёти инкирозга юз тутган бир жамиятни оёққа турғизиш, нақадар оғир иш эканлигини ҳам яхши билади. 1980 йилда ёзган, “Сўзларни яратиб” номли шеърида, бир ғоя одами ўлароқ, ўзи юзма-юз келган машаққатларни тилга олади:

лайди. Бу қадриятнинг юзага чиқиши, сабот ва жасоратга боғлиқдир. Фақат, ўзига ҳоким бўла билган, ва ҳар ерда собитлик кўрсата билган инсонгина, ғоя одами бўла олади.

Муҳаммад Солиҳ, ўз ўлимини жасорат билан қаршилаётган оладиган инсонларга “улкан лашкар” номини бермоқдадир.

*Вужуд, томирларинг ётиб ол,
Киритма у ерга*

сотқин титроқни...

Кўкракка лахча чўг темирни

Босганда душман,

Оғиз, гуллаб қўйма кўкрак сирини.

Қичқириб юборма бўғиз,

Инграб, хиққирама азобдан.

Одам жамлаб олса ўзини

Ўзини катта бир майдонга

йиғса,

– У улкан лашкардир.

9. ТУЗУМ БИЛАН БОҒЛИҚ ШЕЪРЛАР

1970 - йилларда шоир сифатида танилган Муҳаммад Солиҳ, ўша даврнинг шоҳиди ўлароқ, бутун Советлар Иттифоқида ва ўлкаси Ўзбекистонда тадбиқ этилган сиёсий режимни шарафлаб шеърлар ҳам ёзган эди.

Бироқ, 1985 йилдан аввалги ёзган шеърларда бу масалани тилга оларкан, бироз фарқли йўл танлаши лозимлигини англайди.

У шеърларида ифодаламоқчи бўлган туйғу ва тушунчаларини кўпроқ имо-ишора, образлар орқали англаштишга ҳаракат қилади.

Давоми келгуси сонда

ЗЕҲН (ОНГ) НАЗОРАТИ

(Охири. Боши ўтган сонларда)



О й д ин Солиҳнинг тиббий фаолияти ҳақидаги эшиттиришингиз учун кўп раҳматлар айтамыз. Албатта, бу метод билан даволанмасдан туриб, унда фақат назарий доирада сўз юритмоқ, Би-би-си радиоси-

даги суҳбати доирасида баҳс қилиш ҳурматли докторимизнинг хизматларини баҳолашга етарсиз қолади. Доктор Ойдин хонимни бутун Анадолу (Анатолия) танийди, юзларча эмас, мингларча инсон унинг дорисиз, антибиотиксиз даволаш услуби билан шифо топди. Мен ҳам улардан биттасиман, Туркияли ўзбекман.

Бир нарса шуки, Ойдин хонимнинг даволаш услубини фақат очлик ва диета билан боғлаш мумкин эмас. Унинг услуби доривор гиёҳлар билан ҳам чекланмаган. Энг муҳим нуқта, инсонларнинг овқатланиш тартиби, мизож, қон гуруҳига кўра даволаш

каби принципларини кўпчилик ҳали билмайди. Бунга руҳий-маънавий томондан қилинган тавсияларни ҳам илова қилсак, бу бир янги даволаш системаси бўлиб қаршимизга чиқади. Бу хусусда ўйлаймизки, тиббиёт билан шуғулланган муттаҳассислар тафсилотли шаклда ўз баҳоларини берадилар.

Би-би-си ўзбек хизматига ташаккур айтамыз бу инсонларга фойдали мавзунини очгани учун.

Ҳурмат билан, Карим Жон.

* * *

Ассалому-алайкум, аввало бу хайрли иш учун BBC радиоси ходимларига раҳмат айтаман. 15 йилдан буён Ойдин Солиҳ хонимнинг тиббий методига риоя қилиб яшайман. Соғ бўлсам-да, онда-сонда 1, 3 ва 5 кунлик узлуксиз рўзани тутиб юраман. Икки марта - 10 ва 11 кунлик шундай рўза тутиб буйрагимдан қумларни тўккан, вужудимда пайдо бўлган оҳакларни эритган эдим. Аллоҳга шукр ўзим ҳам, танишларим ҳам бу методнинг кўплаб фойдасини кўрдик, бунга муқобил ҳеч қандай салбий таъсири бўлмади.

Бу метод Туркияда йиллардан бери қўлланиб келинаёпти ва мин-

глаб хасталар шу метод сабаб бўлиб Аллоҳдан шифо топишди. Масалан 2006 йилида отамнинг миясида аденнома деб номланган тумор борлиги аниқланди. Операция қилдирамиз деб Туркияга олиб келдик. Операцияга топширишдан олдин доктор Ойдин хонимга курсатганимизда, у киши бунга қатъян қарши чиқиб, ўз методи бўйича даволанишни таклиф этди. Ва биз шу йўлни танладик. Аллоҳга шукрлар бўлсин-ки, операцияга эҳтиёж қолмай, отам соппасоғлом қайтиб кетди Ўзбекистонга. Гарчи шундан сўнг нафақага чиққан бўлса-да, бемалол умргузаронлик қилиб юрибди ва Ойдин хоним учун хайр дуо қилиб, унинг методини тарғиб қилаёпти.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳими бу йўлни ҳаётда синаб кўриш керак, унганча биз - моддий дунёга суяниб қолган материалларнинг бунга ишониши қийин бўлади. Минг насиҳатдан бир мусибат авло дегандай, Аллоҳ дард бермасдан аввал, ҳаммани шу ақидага амал қилиб яшашга даъват этаман.

Ҳурмат билан,
Пирмуҳаммад Холмуҳаммад
bbc.co.uk/uzbek

Ойдин СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Охири келгуси сонда)

Ҳаммамизга маълумки золим, яҳудий Каримов ўтган йил охиридаги йил якунларга оид ҳисобот йиғилишида бу йилни “Соғлом бола йили” деб эълон қилган эди. Ушбу эълон ҳақида ўтган йили гапирган чоғимизда, келаси йил ёш болалар тарбиясида ота – оналар бир қанча муаммоларга дуч келиши табиий, чунки Каримов бир йилни бирон ном билан номласа, ўша соҳада алоҳида зулмлар қўллаб ўрганган, деган маънода фикр билдирган эдик.

КАРИМОВНИНГ “СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ” ДАН МАҚСАДИ НИМА?

Ушбу кутилган, Каримовнинг янги зулмларини бир неча кўринишларидан бири сифатида, бундан бир неча кунлар муқаддам интернетда чиққан, Жиззах вилоятида боғча болаларига эски темирлар олиб келиш мажбурияти юкланганлиги тўғрисидаги хабарни кўриш мумкин. Шу кунгача мактаблар ўқитувчилари ва ўқувчилари учун қурилишларда мажбурий мардикорлик, пахта терими, совуқ бино, газсизлик, электр тақчиллиги, маош муаммолари, таълимдаги парокандалик каби санаб тугамайдиган муаммолар камлик қилаётган экан!, энди ушбу зулмларни ҳали гўдак бўлган, ўзлигини ҳам танимай-диган ёш болаларга, болалар боғчаларига ҳам етказишга қарор қилинди. Ахир, ёшлар ёшлигидан тазийқда катта бўлса, кейин улар ақлини ишлатиш, зулм ҳақида фикрлаш, куфр қўлидан озод бўлиш каби нарсаларни ўйлаш, бош қотиришга

уқувсиз бўлиб катта бўлади! Аслида, бу ишларнинг ҳам ортида маълум шахсларнинг моддий манфаати ётади, лекин ҳозир бу тўғрида, манфаатлар тўғрисида фикр юритмоқчи эмасмиз.

Каримов тузган тубан жамиятнинг маълум бирон мафкурага (идеологияга) эга эмаслигини шундан кўришимиз мумкинки, бу золим диктатор, биз фаровон демократик жамият қурамыз, деб оғиз кўпиртираётган бўлсада, халига-

ча социализм пайтидаги тазийқлардан фойдаланишни қанда қилгани йўқ. Аҳолига металллом йиғиш ҳақида мажбурият топшириш бу – Совет давлати юргизган сиёсатлардан эди. Бу билан агар демократия бўлса, металллом тўплатмайди демокчи ҳам эмасмиз, чунки демократияни тузиб чиққан куфр олами, Ўзбекистон каби мустамлакаларига фақатгина шу кўринишдаги демократияни жорий қилади. Каримов кетиб, ўрнига ҳақиқий демократияни жорий қиламан дейдиган шахс олиб келинган тақдирда ҳам(ҳозир Ўзбекистон сиёсатида шунга ҳаракат кетаяпти), бу зулмлар металлломдан сал бошқача кўринишда давом этаверади. Бу каби зулмлар, фақатгина инсонларни Ислом шариати қонунлари билан бошқарилгандагина барҳам топади, унганча мусулмон уммати мустамлакасича қолаверади, зулмга нишон бўлиб

қолаверади, мусулмонларнинг бойликлари эвазига золим демократиянинг етакчи зодагонлари, Фарб ва Америка бойлигини тўлғазиб бораверади, мусулмонлар эса, бизга қачон келар экан демократия, деб қашшоқ ва мазлумлигича қолаверади.

Мусулмонлар кўзингизни очинг! Қачонгача сизларни устингиздаги золим, малай, куфрнинг кўғирчоқлари шундай хорлаб, яна устингиздан кулиб, сизга бахтли фаровон ҳаётни таъминлаб бераётганини гапириб боради. Қачон буни хис қиласиз? Жамиятнинг вази-фаси фуқароларини ҳақ – ҳуқуқларини, кадрини, шарафини тўлиқ химоя қилиш эмасмиди?, бу куфр жамиятлари қачон, қаерда инсонийлик шарафини тўғри химоя қила олдики, Ўзбекистон каби мустамлака жойларда химоя қилсин экан?. Ёш гўдақларни бундай зулмга солиш, жамиятнинг қайси амалига тўғри келади? Инсонларнинг ақл – идрокини тубанлаштириш учун хизмат қилиш, инсонларнинг инсонийлигини, шарафини ерга уриш каби, аслида давлатнинг ўз фуқароси олдидаги химоя қилиши керак бўлган бурчлари сирасига кирмасмиди?! Мусулмонлар уйғонинг! Сизлар бундай хорлик учун яралмагансиз!

Абдумалик Ибн Марвон

“Эркин Юрт” интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Масъул муҳаррир
Камолiddин Йўлдош